Бухоро шахридаги пахта толасини саклаш ва кайта ишлаш буйича база ташкил этищда ва Крракалпористон Республикаси, Тошкент, Фаргона, Сурхондарё вилоятларидаги мавжуд омборлар базасида ана шундай комплекслар тузищда эришилган ижобий тажрибаларни янада мустах.камлаш керак.

Киме тармогада, шу жумладан, республикадан ташкарида хам, консигнацион омборлар ташкил этиш масалаларини х.ал этиш зарур. Бу узимизда чикариладиган угитларни жахрн бозорида ва ички бозорда уларга булган талаб ва эхтиёждан келиб чик.иб сотиш имконини беради.

**Олтинчиси. Кадрлар тайёрлаш буйича** Миллий дастурни амалга **ошириш.**

Албатта, бу бир-икки йил ичида х.ал килинадиган муаммо эмас. 1998 йилда, энг аввало, умумий урта ва махсус таълим ислохртини бошлашимиз керак.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини тубдан ислох. кшшшда хукущй асосни яратувчи бир кагор крнунлар ва меъёрий хужжатлар мажмуи к.абул килинган.

Хозир янги типдаги укув муассасалари — **академик лицейлар ва касб-^унар коллежлари** фаолиятини ташкил этиш буйича хужжат ва кридаларни ишлаб чикишга эътиборни каратмок. зарур.





**"Таълим"** харита-схемасини тузиш буйича ишни якунлаш керак. Шу каторда энг мухим масала — академик лицейлар ва касб-малака коллежлари ишини ташкил килиш учун амалдаги *Урта* махсус ва >унар-техника укув юртлари моддий ва маънавий салохдштидан фойдаланиш имкони даражасини аник, белгилаб олищдир.

Шунингдек, янги укув муассасалари сони, жойлашиши ва ихтисоси, уларнинг техник жих.атдан жих.озланиши, минтакаларнинг истик.болдаги ижтимоий-иктисодий ривожи, жукрофий ва демографик х.олатларини хисобга олган х.олда малакали педагогик кадрлар билан таъминланишини аниклаш х.ам кузда тутилиши зарур.

Республика манфаатларидан келиб чикиб, профессионал мехнат бозори талабларини хисобга олган х.олда, касбхунар таълими турлари буйича йуналишлар, ихтисослар ва касбларни туркумлаш механизмини ишлаб чикдш х.амда х.аракатга келтириш лозим.

**Етганчи. Фонд бозорини ривожлантириш.** Эркин пул маблаглари, жумладан, узимизнинг ички имкониятларимизни ва хорижий сармояларни фонд бозори орк.али жалб килишни кенгайтириш механизмларини ва аник, кридаларини ишлаб чикиш лозим. К,имматли к.огозлар бозори муомаласида бирламчи ва иккиламчи савдо буйича х.ам мукаммал фонд бозорини шакллантириш зарур.

Ваколатли бошкарув услубини жорий этиш йули билан давлат акцияларини бошк.ариш тизимини такомиллаштиришга эришиш керак. Бунда давлат пакетларини **танлов асосида** энг к.обилиятли, лаёк.атли рах.барларга бериш кузда тутилади.

Энг мух.им масала — акция эгалари узларини нафак.ат кушимча даромад, балки акция чицарган корхоналарнинг эгаси сифатида х.ис к.илишларини тарбиялашимиз^ лозим.

Узбекистонга кредит рейтингини олиш йули орк.али республика фонд бозорининг халкаро капитал бозори билан бирлаштирилувини таъминлаш, мамлакат кимматли кркозлар бозорида хорижий сармоядорлар иштироки механизми ва хукукий асосини такомиллаштириш зарур.

Чет эл кимматли кргозлар бозорида эса Узбекистан корхоналари чикарадиган акцияларни жойлаштиришнинг хукукий ва ташкилий асосларини ишлаб чикиш лозим.

Жахрнннинг етакчи инвестицион институтлари билан техник хамкорликни фаоллаштириш хамда хорижий сармоядорлар талабларини хисобга олган холда, корхонанинг молиявий ахволини бахолаш андозаларини такомиллаштириш бугунги кундаги энг мухим вазифа булиб крлмокда.

**Яна бир ута мухим масала.** Бугунги кунда факат иктисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халкаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлркий нуфузига катта зарар етказаётган энг хавфли иллат — коррупциядир. У айрим холларда ута хавфли тусга кирмокда.

Утган йилга якун ясаб, 1998 йилдаги бош вазифаларни белгилар эканмиз, ушбу хавфга яна ва яна бир бор алохида эътибор каратишга мажбурмиз.

Ушбу масала буйича кейинги йиллардаги ишларнинг ахволи тахлили шуни курсатмокдаки, иктисодиёт сохасида содир этилаётган жиноятлар урури тобора купайиб бормокда.

1996—1997 йилларнинг узидагина кдрийб 9 мингга якин шундай турдаги жиноят аникланган. Ушбу жиноятларни содир этишда масъул ходимлар х.ам иштирок этган. Хокимликларнинг 13 нафар рах.бар ходими порахурлик, ута катта микдордаги ЮЛРИЧЛИК ва лавозимини суиистеъмол килганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Банк-молия сох.асида, давлат мулкини хусусийлаштиришда, кимматли к.огозлар муомаласида, кичик ва хусусий корхоналар тузишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнларида уюшган жиноятчи гурухлар содир этаётган к.онунбузарликлар сонининг ошиши, айникра, ташвишлидир.

1997 йилда хусусийлаштириш сох.асининг узида прокуратура органлари томонидан 480 нафар айбдор шахе жавобгарликка тортилди, 44 та иш буйича жиноий иш кузгатилди.

Купгина хрлларда хусусийлаштирилаётган объектлар к.иймати сунъий равишда арзонлаштирилгани фош этилди. Бундай фактлар Навоий, Тошкент, Сурхондарё, Сирдаре, Хоразм, Андижон, К,ашк.адарё вилоятлари ва Тошкент шахрида, айник.са, купдир.





Иктисодиёт сохасида к.онунчиликка ва ахлок. кридаларига амал килиш борасидаги ишларнинг ахволи, аник, далиллар тахлили шундан далолат берадики, **биз коррупция билан кураш масаласига ало^ида эътибор каратмогамиз лозим.** Чунки коррупция амалга оширилаётган ислох.отларни тугридан-турри обрусизлантириб, унинг маъно-мохиятига ДОР туширмокда.

Тартиб-к,оидани мустах.камлаш ва к.онунларга риоя этишни кучайтириш, кичик корхоналар ва тадбиркорлар манфаатларини ишончли, хукуклй мухрфаза килиш буйича кечиктириб булмайдиган, кескин чора-тадбирлар ишлаб чикишимиз лозим. Бунда, энг аввало, порахурлик, таъмагирлик ва товламачилик йули к.атъий тусилиши керак.

Айник.са, к.онун посбони була туриб, тадбиркорлар манфаатларини мухрфаза этиши лозим булган, мажозан айтганда, **кули пок булиши зарур** булган хукук,-тартибот органларининг узида манфаатпарастлик, порахурлик, коррупция, айбдорларга х.омийлик к.илиш, уз ишига жиноятконона совукдонлик муносабатида булиш каби хрлларга к.атъиян чек куйиш зарур.

Давлат солик. хизмати тизимида талай крнунбузарликлар, порахурликлар содир этилгани фош килинди. Биз солик. хизмати ходимларининг барчасини аттестациядан утказишга, уларнинг сафини мазкур сох.ага сукилиб кирган нопок, нолойик. кимсалардан тозалашга мажбурмиз.

Афсуски, жиноятга кул ураётганлар орасида х.амон милиция формасини кийиб юрганлар х.ам бор. Энг куп жиноятни Самарканд, Тошкент, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шахри милиция ходимлари содир этишмокда.

1996—1997 йиллар мобайнида хукук.-тартибот органларида 191 киши порахурлик билан кулга тушиб, 257 киши мансабини суиистеъмол килишда айбланиб, килмишларига яраша жазо олдилар.

Суд органларидан 26, прокуратурадан 13 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилиб, турли йилларга озодликдан махрум этилди. Божхона ходимларидан 76 киши жиноий ишга кул ургани аникданди.

Кимки, хукук.-тартибот органларида ишлайман, крнунни истаганча оёкрсти килишим мумкин, мушугимни биров "пишт" деёлмайди, деб уйлаган булса, янглишади. Органларда содир этилган хар кандай жиноят, аввало, органларнинг, хркимият тизимининг обрусини тукади, хукукий давлат куриш йулидаги саъй-харакатларимизга катта зиён етказади.

Мана шу юксак минбардан туриб, мазкур соха ходимларини огохлантирмокчиман: сизларга бошкаларга нисбатан алохида талаб куйилади. Шундан хулоса: сафингизда йул куйилган хар кандай крнунбузарлик ва жиноят учун шафкатсиз жазо оласизлар!

Куйилаётган талабларга кай даражада муносиб эканликларини текшириб туриш учун хукук.-тартибот органлари ходимларини мунтазам равишда аттестациядан утказишни йулга куйиш зарур.

Прокуратура, милиция кршида, божхона ва солик. кумиталари хузурида махсус инспекциялар тузиш керак. Токи улар ходимларини аттестациядан утказиш, органларимиз сафларининг тозалиги учун жавоб берсинлар.

Мен бир вакт айтувдимки, халкимиз х.ар кандай кийинчиликка чидайди, лекин хеч к.ачон адола'т бузилишига чидамайди.

Адрлат к.ачон бузилади?

Амалда утирган, вазифада утирган одам узи ахлокий, маънавий нуктаи назардан бузилса, нафсини тиёлмаса, тугри йулдан чик.са, мана шунда адолат бузилади, мана шунда одамлар бизларга нисбатан ишончини йук.отади.

Мана, Бош Прокуратура, Олий Суд, Адлия вазирлиги, Олий Хужалик суди... Сизларга катта ишонч биддирганмиз, сизларни крнунни х.имоя к,иладиган одамлар деб биламиз. Сизлар х.алол ва одилона иш юритсангиз, бизда хукукий давлат, адолатли жамият куришга имконият пайдо булади.

Хозирда мавжуд ва эндиликда тузиладиган махсус инспекцияларга катта хукук. бериш керак. Х,укук,-тартибот органлари хузуридаги бу инспекциялар уз сафларини тозалаши, х.ар хил маънавий чириган кимсалардан жамиятни халос к.илиши керак. Асосий мак,сад шу.





Жамоатчилигимиз, нодавлат ташкилотлар хам бу масалага ку'прок. эътибор бериши керак. Хукук.-тартибот органлари фаолияти бутун жамият назорати остида булиши керак. Демократик фукаролик жамияти курмок.чи булсак, буларнинг тепасида авваламбор жамият булиши керак. Нодавлат ташкилотлар олдида хисобот бериш зарур. Якинда матбуот буйича крнун чикди, мухбирларга катта хукук. берилди. Матбуот, телевидение ва радио хам бу масаланинг ах.амиятига, мохиятига эътиборни кучайтириши лозим.

Мух.тарам дустлар!

Ру^й-рост айтишим керак, куриб турганингиздек, жорий йилдаги вазифаларимиз жуда катта ва мураккаб. 1998 йилда олдимизга куяётган мазкур вазифалар мамлакатимизни бозор ва демократик ислохртлар йулидан боск.ичма-боск.ич, изчил ривожлантиришнинг ажралмас к.исмидир.

Аминманки, сиёсий, иктисодий, ижтимоий сох.аларда мазкур дастурнинг амалга оширилиши янгиланиш ва тараkдиёт сари олга силжишимиз, халкимизнинг тук,, фаровон яшаши учун мустахкам моддий ва маънавий замин яратади.

Ана шу эзгу тилакларнинг руёбга чикиши учун барчангизга соглиц-саломатлик, омад тилайман.

*Узбекистан Республикам*
*Вазирлар Маукамасининг*
*мажлисидаги маъруза,*
*1998 йил 25 февраль*

## БИРИНЧИ
## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
## XI СЕССИЯСИДА
## СУЗЛАНГАН НУЩ

### КОНУНЛАРИМИЗ ДЕХДОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ К.ИЛСИН

Хурматли халк. ноиблари!

Аввало мана шу фурсатдан фойдаланиб, хрзир кабул килинган крнунларнинг шундай катта хурмат, катта кизикиш билан мухркама килинганидан мамнуният изхрр этмокчиман. Чунки шу крнунларнинг мохиятига \ар томонлама етиб бориб, сиз депутатларнинг ва сиз оркали жамоатчилигимиз, айникра к.ишлок. жойларда яшаётган одамларнинг бу масалага муносабатини инобатга олсак, уларнинг уз вактида кабул килинганини яна бир бор таъкидлаш зарур.

Мен бу хрлни мазкур хужжатларнинг хаётимизни узгартиришда, керак булса, такдиримизни хал киладиган масалаларни ечишда жуда катта ахамиятга эгалигининг яна бир якдол тасдиги деб биламан. Шу уринда бир нарсага эътибор бердим. Бу туртта крнунни, яъни Ер Кодексини, Кишлок, хужалиги ширкати, Фермер хужалиги, Дехдон хужалиги тугрисидаги к,онунларни цабул кднаётганда биронта депутат к;арши овоз бергани йук,. Бу х.ам мен хрзиргина айтган гапнинг далили. Сизлар хам шу масалаларни жойларда мухркама килаётганда, уларнинг бугунги хаётимиздаги ахамиятини чукур англаб, мана шу к;арорларни уз вак^ида к,абул кддаётганимизни яхши ХJНС этганингизнинг далолати десак, хато булмайди.

Умуман айтганда, бу к,арорлар туртта мух.им масалани ечади.

Биринчи масала — бу кдшлок, хужалигида мулк масаласидир.

Иккинчи масала— дехдонларнинг, кщшток; хужалигида ишловчиларнинг мулкка эгалик ХIIССННН шакллантириш, мустахкамлаш масаласи.



Учинчи масала—бу к.онунлар оркали к.ишлок. жойларда, керак булса, бутун иктисодимизда бу борадаги ишларни мутлакр янги асосда ташкил этиш, бугун замон талаб килаёттан услубларга утишдир.

Туртинчи, энг мух.им масала, мен алохдда урру бериб айтмокчиманки, бу крнунлар Узбкистонда янги синф, янги тоифа — мулк эгалари пайдо булишига мустахкам хукукий асос булади.

Ана шу масалаларнинг хаётимиздаги ах.амиятини англасак, уйлайманки, биз жуда катта иш килган буламиз. Лекин х.озирча килган ишимиз— бу борада килиниши зарур булган ишларнинг фак.атгина 50 фоизидир.

Яна такрор айтаман, бу ишнинг ярми, холос. Бунда мен нимани назарда тутяпман? Кимки, мана крнунларни к.абул килдик, эртага к.ишлок. хужалик сохасида мутлак.о бошк.ача х.аёт бошланади, эртага уз-узидан ишимиз бошк.ача ташкил килинади, к.ишлок, хужалик ишлаб чикаришида бощцача услуб ишлатилади, деб уйласа, бу жуда катта хато булади. Агарки к.онунларда кузда тутилган мак,садларга эришмокчи булсак, авваламбор ташкилий ишларни — бу крнунларни хаётга татбик. этиш ишларини к.атъият билан амалга оширишимиз керак. Агар эртага, бу бизнинг тажрибамизда бор, тарихимизда бор, мана энди крнун кабул килинди, деб кампаниячиликни бошласак, вилоятларда, туманларда кечаги колхозларни тезлик билан ширкат хужалигига айлантириш, тузиш масаласида мусобак.ага утиб кетсак, бу х.озир кабул килинган к,арорларни бутунлай обрусизлантирадиган кадам булади.

Такрор айтаман: агар биз шошилиб, палапартиш иш тутиб, масаланинг у ёк;-бу ёгини чукур уйламасдан, етарли шароит ташкил килмасдан, ташкилий масалаларни ечмасдан, ширкат хужаликларини тузишга утсак, мен яна бир бор сизларга карата, сиз орк.али бутун халкимизга, дех.к.онларимизга карата айтмокчиман, бу мутлак.о нотугри, ахмокрна иш булади. Фикримча, мана шу масалаларни ечиш учун баъзи бир мухим шартларга эътибор бериш керак. Бу шартлар нимадан иборат?

**Биринчи шарт шундан нборатки,** мана шу крнун лойихалари умумхалк. мухркамасига куйилганда, жойлардан жуда куп хатлар, тавсиялар, одамлар уз муносабатини билдирган изохлар, маърузачи таъкидлаганидек, уч мингдан ортик, таклиф тушди. Шу масала телевидениеда мухркама килинаётганда мен шунга эътибор бердимки, жойлардан дехдонлар кунгирок. килиб, шу масалаларга кизикиш биддирди. Баъзи бир модцаларни тушуниш, англаш буйича турли саволлар берищци. Бу х.ам одамларнинг шу карорларни кутганини билдиради. Демак, агар биз мана шу крнунларни амалга оширмокчи булсак, самарасини курмокчи булсак, жойларда **уларни таргабот** килиш **ишларини яхши йулга луйишимиз лозим.** Авваламбор, мухим крнун булмиш "Ер Кодекси"ни, нафакдт дехдонлар, мана шу ерга алокаси булган амалдорлар, балки мана шу масалани ечадиган барча мутахассисларга мазкур крнунларнинг асосий талабларини, мохиятини етказишимиз керак. Токи, бу к.онунлар, бизга нима беради, деган масала х.ар бир одамнинг онгига етиб борсин.

**Иккинчи шарт шундан иборатки,** ишни шу крнунлар асосида ташкил килмокчи булсак, жойларда ишлайдиган, махсулот етказиб берадиган, кадок, куллари билан бизларни бокдциган дехдон крнунни жорий этишда албатга катнашиши, уз фикрини билдириши керак. Тепадан туриб курсатма бериш билан иш битмайди. Хужалик такдирини факат рахбарлар, бригадирлар, звено бошликдари, мутахассисларни туплаб, тор даврада х.ал этсак, карор к.абул килсак, К.ИШЛОК. хужалиги сох.асидаги ислох.отларимизни бутунлай йукда чик,арган буламиз.

Яна такрорлайман: **исло^от жараёнида оддий дещон албатта цатнашиши, масалалар мохиятини чукур англаб, бу тадбирлар эртага унинг ^аётига, оиласи, хонадонига нима беришини аник; билшпи шарт. Мулк шаклини узгартириш мусоба^ага айланмаслига керак,**

Яна бир мух.им масала. Ер хджми, сифати, нуфузи, шароити турлича булган вилоятларда ягона мезон билан ёндошсак, к.ош куяман деб куз чик,армаймизми?! Пайчиларга дивиденд бермок^ш буляимиз. Эртага ширкат хужалигига айланадиган жамоа хужалиги бойлигини к.андай аник.лпймиз? Хужаликнинг асосий бойлиги нима? Ер ва ерга ишлов берадиган ускуналар, тракторлар, бошк.а техника |урлари, иморатлар ва шунга ухшаган курилишлар. Амортизацияга к.араб техника бах.осини белгилаш мумкиндир, лскин ернинг бах.осини кандай аниклаймиз? Андижонда ер к.анча туради-ю, Сурхон ва К.ашк.адарё вох.асида канча? Нафак.ат ер бах.оси, нафакат ер унумдорлиги, ер боиитети, балки бу ёкда одамлар нечогли зич яшаётганини \исобга олган хрлда, одамларга ер булиб беришда кандай меъёрларга амал килиш керак? Буни алохида инобатга олмасдан к;онунни х.аётга татбик, к.илиб б^лмайди, деб уйлайман.





Ер Кодексини к.абул киддик, ер кадастрини эртага тасдиклаймиз. Лекин бу к.онунларда курсатилган, белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилишини ким назорат к.илади? Ер кадастри устидан назорат к.илувчи, унинг талабларини амалга оширувчи, сураб-суриштирувчи, пайдо булаётган масалаларни холисона х.ал килувчи, жамоатчилигимиз эътиборини шунга жалб килувчи масъулиятли махсус бир ташкилот — ку^мита керак. Яъни, ер умумий бойлигимиз экан, умумий бойлик устидан назорат килувчи орган керак.

Дехдон хужаликлари тутрисида алохдца тухталмокчиман. Дехдон хужалиги нима асосда, кандай заминда пайдо буляптй? Авваламбор, томорк.алар заминида. Бу масала буйича хрзир кабул килган крнунимизда дехдон хужаликлари буйича янги имтиёзлар белгилаб берилган. Лекин бу имтиёз ва имкониятларни амалга оширишда х.ар бир вилоят, хдр бир туманда керакли шарт-шароит бормийудми, буни х.ам турри тушуниб х.ал килишимиз керак.

Бу масалани ечишда х.амма жойда авваламбор адолат б^лиши керак. Ер ажратишда бир дехдон хужалигига 35 сотих, биттасига, айтайлик, 15 сотих бериш ва учинчисига х.еч нарса бермаслик — бу адолатни бузиш дегани. Эртага норозилик келтириб чик.арадиган к.арор ва тадбирлар бизга керак эмас. Шу сабабли бу масалаларни хдр томонлама пухта уйлаб куришимиз керак.

**Дехдон хужалиганинг асосий мацсади,** манфаати, ахамияти шундан иборатки, дехдон хужалиги эртага махсулот — товар чикарадиган булса, яъни уз махсулотини бозорга олиб чикадиган булса, шу масалада давлатнинг юкини енгил килади. Дехдон хужалиги узини-узи бокдан так,дирда хам бундай хужаликларнинг афзаллигини кадрлашимиз ва куллашимиз даркор. Шу билан бирга, бугун дехдон хужалигини крнунлаштириб, эртага унинг эгаси нафака олиши, пенсия олиши учун имконият яратяпмиз. Шу тадбир, йуллар билан ишсизликнинг олдини оляпмиз. Буни хам таргибот килишимиз, халкимизга тушунтиришимиз керак.

Шундай килишимиз керакки, келажаги йуХ самара бермайдиган, инкирозга дуч булган колхозларни таркдтиб юбориб, ерни одамларга булиб беришимиз керак. Хужалик юритишнинг мана шу услубига хам йул очиб берайлик. Барака топкур, ишсиз юрибсанми, мана сенга томорка, мана сенга крнун. Крнун асосида томорка олдингми, дехдон хужалигини ташкил кил, бориб руйхатдан ут, имтиёзлардан фойдалан. Крлгани узингга бовдик.: узингни бок., оилангаи бок,, буйдок. булсанг турмуш кур, фарзанд кур, даврингни сур, бахтингни кур. Такрор айтаман: давлат факат имконият тугдириб беради, у ёги узингга боглик., узингга хавола. Шундан кейин хам ишинг юришмаса, узингдан упкала!

Хуллас, биз одамларни х.аракатга келтиришнинг барча йулларини уйлаб куришимиз керак. Шундай хужаликлар борки, у ерда айтайлик, юзта текинхур маош олиб ётибди, раис х.ам амалдор, к.оровул х.ам амалдор. Чунки маош олади! Ер самара бермаяпти, лекин амалдорларни бокяпмиз. Шунак.а хужаликларнинг ерларини булиб берсак, бунга крнун дастак булса, йул очилса, барча имтиёзларни ташкил килинса, мех.натга иштиёкманд одамларнинг эртага яна кандай армони булиши мумкин?!

Гапимни якунлаб, такрор айтмокчиман: дехдон хужалиги туррисидаги к.онунни к.абул килишимиз бу — факдт биринчи к.адам, холос. Мазкур крнун мазмун-мохиятига кура серкирра булиб, жойларда — х.ар бир туман, х.ар бир





иилоятда изчил амалга ошсагина, мак.садимизга эришамиз.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, мухркама этилаётган |..оиунлар х.аётимизнинг умумий цоидалари, умумий чега- l>:i чизикларини узида мужассам этган. Бу крнунлар асосида яна янги крнунлар, фармон ва карорлар к.абул килишимиз керак. Катта хукуклар бердик, энди жойларда \окимлар ташаббус курсатишсин. Агар х.оким узини вилоятнинг хакик.ий эгаси к.илиб курсатса, мен шу вшгоятпинг эгасиман, деса, ёмонми! Мен бунга карши эмасман. Ву яхши аломат. Эга дегани, шу туман, шу вилоят учун, керак булса, жонимни фидо киламан дегани. Йулимизга гугонок. булаётган турт-бешта муттах.амнинг ёк.асидан олишга тайёрман, дегани.

Сизга ишонган, сизга инонган одамларни х.имоя Килишга урганинглар. Хамма ишни уз х.олига ташлаб куйиш хеч к.ачон яхшиликка олиб келмайди. Фидойи экансизлар, ра^бар деганни мен факат фидойи деб биламан, халк. ичига боринглар, унинг огирини енгил килинглар. Курк.манглар, к.ийналиб к.олсаларинг, ёнларингда мен борман. Мен сиз томондаман.

Кеча Москвада Хамдустлик давлатларининг кенгаши булди. Кенгашда талай масалаларни бахрли кудрат ечишга уриндик. К.андай масалалар курилгани, нимага эришганимиз, умуман, Хамдустлик давлатлари, бизга ку^пни давлатлар, собик. Иттифок. минтак.асида жойлашган халк.лар билан муносабатларимиз хакида телевидение орк.али батафсил хисобот беришга харакат к.илдим. Лекин бугун сизлар билан юзма-юз булиб, дийдор курилиб, руй-рост айтмокчиман: **асосий хулоса шуки, кенгашда катта-катта хужжатлар кабул цилиимаган булса х.ам, курилган масалалар буйича к;абул идпинган барча карорлар биз танлаган йулнинг туррилигани исботлади.**

1991 йидцан бошлаб, мустакилликка эришганимиздан кейин икгисод, сиёсат сох.асидаги энг маъкул йулни, керак булса, сиёсатни утказдик, десак, муболага булмайди. Нега деганда, бир вак.тлар собик. Иттифокнинг давлат рах.барлари орасида мустакиллик истик.болига ишонма-

ганлар кам эмасди. Афсуски, бундайлар х.али хам бор. Лекин вакт утяпти, мустакиллик йилида тугилган болаларимиз етти ёшга тулди. Биринчи синфга борганлар еттинчи, саккизинчи синфда укдяпти. Улар "СССР" деган иборани мутлакр билишмайди.

Виз бундан хурсандмиз.

Виз хар хил палапартиш ташаббусларга кушилмадик. Бу, албатта кимларгадир ёкмади. Биз иктисодий ривожланишни хар кандай сиёсий интилиш-харакатлардан устун куриб, аввалambор Хамдустлик давлатлари халкларини ИК.ТИСОДИЙ асосда якинлаштириш ва шу йулдаги тусик,-ларни олиб ташлаш тарафдори эканимизни ифода этдик. Фахрланиб, катта ифтихор билан айтмоклиманки, Узбекистоннинг обруси усиб боряпти. Бу сиёсат, бундай к.араш уз тарафдорларини топмокда. Хамдустликнинг кечаги мажлисида бизнинг барча таклифимиз утди. Биринчи бор тарихимизда Хамдустаик Давлатларининг Бош вазирлар кенгаши раиси кдгсиб Узбекистон Бош вазири Уткир Султонов сайланди. Албатта, амал бугун бор, эртага йук.. Лекин биринчилар кдторида Узбекистоннинг Бош вазири шу лавозимга сайлангани Узбекистон олиб бораётган сиёсат, иктисод буйича танлаган моделимиз, йулимиз тугри эканлигидан ёркин далолатдир. Буни нафакат дустларимиз, керак булса, мухолифларимиз х.ам ноилож тан олганларини мен кеча уз кузим билан курдим. Азиз дустлар!

Кабул килган к.онунларимиз, к.арорларимиз ах.амиятини, саъй-хдракатларимиз к.адрини баъзан узимиз билмаймиз. Балки бу хам табиий бир хрлдир. Майли, барча хайрли ишларимизга фарзандларимиз бах.о берсинлар, к.адрига етсинлар. Иншооллох., шу кунларга х.ам етиб борайлик.

## ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР - ЩТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

МухјараМ халк. депутатлари!

Бугун сессияда мух.окама кдяинаётган к,онунларнинг лойщалари бизларни нафак.ат бугунги х.аётимизда, аввалambор, эртанги хаётимизда, келажагимизни куриш режа ва максадларида катта ах.амиятга эга. Шунинг учун баъзи бир мулохазаларимни сизларга маълум кдшб, шу масалалар буйича фикр алмашиб олмокчиман.





Олий Мажлиснинг Ик.тисодий ислох.отлар ва тадбиркорликни ривожлангириш кумитасининг раиси Анвар Йудцошев билдирган фикрларга к^шимча шу нарсани ойдинлаштириб утмокчиман. Умуман, лунда к.илиб айтганда, хорижий сармоялар, х°зир инвестициялар деяпмиз, яъни чет эл фирмаларининг сармоялари, маблаглари Узбекистонга керакми-йукми? Мен нафак.ат сиз депутатларни, балки юртимиздаги оддий фук.ароларни, олис-олис жойларда яшаётган одамларнинг савияси,тушунчасини инобатга олиб, шу саволларни кундаланг куймокчиман. Узи, чет мамлакатлардан сармоя келмаса, бизлар яшашимиз мумкинми?! Агар чет мамлакатлардан инвестициялар келмаса, биз уз максадларимизга эришишимиз — буюк давлат куриш, фаровон х.аёт барпо этиш, бугунги энг тарак.кий топган давлатларга тенглаша олишимиз мумкинми, йукми?

Бу залда утирганларнинг аксарият купчилиги, мен уйлайманки, юрт гамини ейдиган, эртанги кун х.акдца кайгурадиган одамлар. Уларнинг барчаси бу саволга, албатта, ижобий жавоб беради. Четдан сармоя келмаса, четдан инвестиция келмаса, Узбекистон тез орада таракдий топган давлатлар даражасига чика олмайди.

Биз бир вактлар мустабид тузумда, собик. Иттифок. тизимида яшаб, унинг к.оидалари ва талабларига итоат килиб, асосан хом ашё минтакасига айланиб к.олганимизни такроран одамларимизнинг эсига солмокчиман. Узбекистон деганда илгари одамларнинг тасаввурида нима жонланар эди? Пахта далалари ва далаларда машакдатли мех.нат билан банд булган бечора захматкаш дехдонларимиз.

Бир фараз килинглар, ун йил олдин худди шу манзара ^аётимизнинг асосий мазмуни эди. Х°зирги вактда мамлакатимиз шундай тез суръат билан ривожланяптики, уни тасаввур килиш хам осон кечмаётибди. Баъзи бир юртдошларимизга бугунги эришган натижаларимиз худцики

осмондан тушаётгандек, уз-узидан пайдо булаётгандек хам туюлаяпти. Гуё бугунги таракдиёт хаётимизда уз-узидан амалга оширилаётгандек. Гохр баъзи бир танкидчиларимиз, айтайлик, шундай хаёлга хам бориши мумкин.

Шунинг учун шу саволларни такроран бериб, одамларга реал хдкикатни эслатиш фойдадан холи булмас, деб уйлайман.

Якин утмишда, яъни бундан ун йил одцин Узбекистонни ким танирди? Виз хорижий мамлакатларни умуман билмасдик. Хорижий мамлакатлар хам бизни мутлакр билмасди. Агар уша ёкларда Узбекистон каерда жойлашган, Узбекистон нима билан шугулланади, Узбекистонда кандай одамлар яшайди, халки нима билан банд, деб сураса, хаммаси битта иборани ишлатар эди. Нима эмиш, "Узбекистон пахта макони" эмиш. Лекин бу "пахта макони" мана шу халкда нима берди? "Пахта макони"га айланган юртимиз нафакат бутун социалистик лагерь, айтайлик, дунёнинг куп-куп бошка мамлакатларига хам пахта етиштириб бериб, бундан нима наф курди? Узбекистонда хукм сурган "пахта яккахркимлиги"ни эсингизга олинг. Бундай хрлнинг табиатимизга, одамлар хаётищ салбий таъсирини олинг. Агар уша замонни эсласак, "пахта яккахркимлиги" даврида факат томларимизда пахта экилмади, холос.

Хакикатни англаш учун дунёда битта синалган услуб бор. Солиштириш керак, киёслаш керак. Кеча ким эдик, айтайлик, нима масалада бизлар азоб-укубат чекканмиз ва бугунги хдётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан к.андай фарки бор? Бизлар кандай кадам куяяпмиз, тугри йулданми, йукми, деган саволга жавоб бераётганда фак.ат киёслаш керак. Курук. ташвикрт керак эмас.

Шу нук.таи назардан Караганда, яна бир бор айтаман: жахрн жамоатчилиги илгари харитадан Узбекистонни курсатишга х.ам кийналадиган булса, хрзир давлатимизни бутун дунё таниб бормокда. Хозир юртимизга куплаб мамлакатлардан делегациялар келади.

Биргина утган ойнинг узида дунёнинг манман деган давлатлари, мисол учун АКШнинг энг кузга куринган сенморлари, конгрессменларининг купчилиги Ватанимизга келиб кетищди. Биласизлар, матбуотда, телевидениеда Учбскистон Президента фал он делегацияни к,абул к.идди, деб бериладиган хабар бу шунчаки курук. маълумот эмас. Ьунинг тагида чукур маъно бор. Таракдий топган, дунёда катта нуфузга эга давлатларнинг рахбарлари ва шулариинг вакиллари Узбекистонга келиб, уз хурматини изх.ор цилиши, уз таклифларини биддириши, х.амкорлик масаласига, умуман, биргалашиб ишлашга тайёр эканликла|жни изх.ор килиши — бу уларнинг Узбекистонни, халкимизни, бизнинг салох.иятимизни яна бир бор эътироф •лтанини, тан олганини билдиради.

Шулар билан гаплашганда мен уларга, ун йил одцин Узбекистонни харитадан курсатиб бера олармидингиз, десам, х.акикатни айтадиган булсак, йук., тополмасдик, дейди. Узбекистон деганда фак.ат Самарканд, Хива ёки Бухоро к,аерда булганлигини билардик, к,олганини билмас эдик, деб ошкора айтади улар.

Мен нима демокчиман? Айтмокчиманки, **биз кечаги х.аётимиздан буткул воз кечганимиз йуХ. Умуман, тарихдан \еч к^ачон воз кечмаймиз. Тарих — бу бизларники, аччщ булса ?^ам, чучук булса ^ам, у биз учун х.аётдан сабоц ва хулосалар чик,ариш учун хизмат цилади. Шу** нук,таи назардан Караганда кеча факат хом ашё ва хом ашё махсулотларини ишлаб чик.аришга ихтисослашган Узбекистон бугун дунё харитасидан уз муносиб 5фнини эгаллашга, бошк;а таракдий топган мамлакатлар, авваламбор, АК.Ш, Рарбдаги демократик давлатлар, Шаркдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ухшаш давлатларга тенг булишни уз олдига максад килиб куяр экан, бунда биринчи галда чет эл сармоялари, чет эл инвестицияси нщоятда катта ахдмият касб этади. Мен хрзир тилга олиб утган купчилик давлатларнинг тарихи шуни курсатадики, агар хорижий мамлакатлардан сармоя келмаса, инвестиция келмаса, х.еч к,ачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кухарила олмас эди.

Якднща Европа ва Америкада бир тарихий вокеага — Маршалл планига багишлаб катта мажлислар, турли ма-

росимлар утказилди, Биласизларки, Маршалл деган одам АКШ давлат котиби булиб, у Европани Иккинчи жахрн урушидан кейин оёкда кутариш учун махсус дастур ишлаб чикишга бошчилик килган.

Шу дастур Маршалл плани деб аталади. Франция, Буюк Британия, Германия ва шунга ухшаган Европа давлатларининг бугунги савиясини курсангиз, беихтиёр одамнинг хаваси келади. Лекин урушдан кейинги уларнинг ахволини бир эслаб курайлик. Кай ахволда эди Европа? Маршаллнинг плани нима берди? Америка Кушма Штатлари Европани тиклаш учун бир йула катта маблаши тавсия килди. Маршалл планига асосан тахминан 50 миллиард доллар Европа давлатларига кредит сифатида берилди. Мазкур маблаг бу мамлакатларнинг иктисодини унглаб, хает даражасини кутаришга, авваламбор илюр технологияларни жорий этишга ва умумбашарий таракдиёт йулига кдйтаришга катта хизмат килди. Маршалл плани ана шундай улкан натижа берди.

Энди Японияни олайлик. Урушдан кейин Япония кай даражада эди? Кандай ахволда эди? Бу вайрона булиб ётган давлат 50 йилдан кейин бугунги юксак таракдиёт даражасига кутарилади, деб ким тасаввур кила оларди? Кореяни олинглар. Кай ахволда эди Жанубий Корея?

Хуллас, бундай мисолларни куплаб келтириш мумкин. Хаммаси, барчаси нима хисобидан кутаридди? Албатта, биринчи галда, уз кучига таяниб, уз имкониятларига суяниб. Лекин четдан кумак, сармоялар булмаса, уз максадига эриша олмасди.

Узбекистоннинг ривожланиш модели, Узбекистоннинг таракдиёт режаси ва дастурларини тузганда биз аввало нимага ишондик ва нимага асосландик? Узимизнинг кучимизга. Узимизнинг тарихимизга. Узимизнинг фахримизга. Узимизнинг гуруримизга ва шу йул билан фаровон турмушга эришишни узимизга к.атьий мак.сад килиб белгиладик. Лекин, шу билан бирга, факат шу мезонга, шу омилга суяниб куп нарсага эришиш мумкин эмас. Тарак,-к.иёт учун сармоя керак, инвестиция керак.

Мана, ^кеча Япониядаги энг катта фирмаларнинг рах,-барлари Узбекистонга келди. Булар шундай катта фир-



м;1ларки, улар Япониянинг бутун капитал дунёсини ушлаб туради. Улар орасида Япониянинг ик,тисодий ташкилоглари федерацияси — "Кейданрэн" деган йирик бирлашмаси х.ам бор. Бу фирмалар нафак.ат молиявий ик.тисодни, керак булса, уз хукуматининг сиёсатини х.ам бслгилайдиган кудратга эга.

Биз улар билан учрашиб фикр алмащдик. Жумладан, федерация рах.бари жаноб Тоёда билан хам сухбатлашдик. Бу япон фирмаларининг энг катта рах.бари, куп нарсани биладиган, тажрибали одам. Шулар билан учрашиб, яна бир бор гаплашиб олдик. Учрашувлар давомида Япония Узбекистонга к.андай караяпти, бизга муносабати, сармоя бериш сохасидаги режалари, бизларнинг эртанги кунимизга ишончи борми-йукми — шу каби масалалар хусусида атрофлича кенгашиб олдик.

Фикримни якунлаб айтмокчиманки, агар Узбекистон тез кунларда узининг мак.садига, уз муродига эришмокчи булса, чет мамлакатлар, бой давлатларнинг сармоясини олиб келмасдан бу ниятларни амалга ошириб булмайди. Истардимки, бу оддий, лекин гоят мухим х.аётий х.ак,ик.атни мактабларда укиётган, олий укув юртларида таълим олаётган болаларимиз, эртага бизнинг урнимизга келадиган фарзандларимиз яхши англаб олса, крлаверса, х.ар к.айси фук.аро шуни яхши тушуниб етса. Чунки бу х.аётий х.акик.ат — бизнинг эртанги кунимизнинг гарови. Такрорлаб айтаман: бу —гаров. Бу — шарт. Агар шу шартни амалга оширсак, эртага марра бизларники.

Шу сабабли мана шу иккита — яъни "Чет эл инвестициялари" ва "Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тугрисида"ги к.онунларни кураётганда табиий савол тугилади: хуш, нима учун биз бу крнунларни к.абул к.иляпмиз? 1992 йилда кабул килган крнунларни бугунги куз билан бошкатдан к.араб, яна бошк.атдан тах.-ририни узгартиряпмиз? Сабаб нима?

Сабаб шундаки, бутун дунёнинг маблаки, барча бойбадавлат давлатларнинг инвестициялар учун ажратадиган маблаглари, сармоялари, булар хаммаси бир к.озонда к.айнаб турибди. Бугунги умумбашарий шароит шундайки,

жахрнда умуман глобализация деган жараён кечяпти. Дунёда канча ортикча сармоя бор, бу сармояни бошкаларга бериш, ёрдам тарикасида бериш, узига фойда орттириш микдори каби масалалар хдммага маълум. Лекин савол тушлади: хуш, бу сармоя кайси давлатларга, кайси минтакага биринчи навбатда окиб боради? Кдйси ишлар учун, кайси тармоклар ва минтакаларнинг ривожи учун ёткизилади? Мана шу масала бугун, бугунги жахрн сиёсатида, иктисодий сиёсатида ва бошка сиёсатда энг катта ахамиятта эга булган масала. Худдики даре окиб келяпти, бу дарёнинг чегаралари ва манзили к.аёкда?

Агар мустакил булган йилимиздан хисобласак, бугун Узбекистонга келган сармоя тахминан 8 миллиард АКТТТ долларини ташкил килади. Вир йилда биз тахминан 1 миллиард АКД1 долларини узлаштиряпмиз. Лекин бу бизнинг имкониятларимиз даражасидан кам, бу хар томонлама Караганда режаларимизни амалга ошириш учун етарли эмас. Шунинг учун биз тезрок. усмокчи булсак, иктисодимизни жахрн иктисодига тенг килмокчи булсак, авваламбор, саноатни, иктисодни ривожлантирмокчи булсак, Голландия, Германия, Хитой ва Япония тех-нологияларини олиб келиб, кишлок. хужалигини кутармокчи булсак, бизга сармоя, сармоя, яна бир бор сармоя керак. Яъни, хорижий инвестициялар керак.

Шу нуктаи назардан бу крнунларни кабул килишимизнинг, уларни кайтадан куриб чикишимизнинг сабаби битта. Кдерда имтиез булса, к.аерда шароит булса, каерда агарки крнуний гаров, к.онуний кафолат бериладиган булса, шу ёкда сармоя келади. Буни яна тушунтириб утиришнинг хржати йук., деб уйлайман. Мен ишонаманки, мана шу гапларимни оддий одамларга, жамоатчилигимизга, халкимизга етказасизлар. Яъни каерда шароит булса, к.аерда кулай иклим булса, к.аерда шундай имтиёзлар булса, улар шундан фойдасини курса, кафолатига ишонса, шу жойга ишониб сармоя олиб келади. **Кафолат дегани — бу жуда орир нарса. Кафолат деганда ^ам сиёсий, х.ам иктисодий, ^ам молиявий кафолат беришимиз керак. Бунинг фоизлари бор, бунинг гаровлари, узига яраша шарт-маж(нришлари бор. Биз буларнинг х.аммасини мужассамлаш|п|1и*., копуний нуктаи назардан, крнун билан кафолатини** )и ii.i|i **эканмиз, бу ишларимизни таррибот килиш керак,** і Ч1И1ШКОТ **килиш керак.** Чет эллардаги катта нуфузли комП.И1 ияларга, пулдор банкларга, халк.аро молия ташкилоті чипа мана шу крнунларимизнинг мохиятини чукур тушуширишимиз^бошк.ача айтганда, миясига куйиб куйи|п им из керак. Узбекистонда биринчи навбатда сиёсий, ик.'1'исодий, молиявий барк.арорлик мавжуд, бу х.ар кдндпй сармоянинг асосий гарови, асосий шарти, деб айти1п им из керак. Сизлар сураёттан кафолатни биз берамиз, к.унай шарт-шароит хам яратиб берамиз. Шу билан бирга фоизини хам крйил килиб берамиз. Сизларнинг ички ишшфингизга аралашиш ёки йулингизга FOB буладиган тусик.-парпи бартараф этишга, керак булса, зуравонларнинг пайMi і и киркишга мана шу крнунлар асос булади, деб биз кафиллик беришимиз даркор. Токи уларда шундай ишонч иайдо булсинки, Узбекистонга сармоя келтирган хорижий инвестор бошка жойдагига нисбатан купрок. фойда ОЛади.

Албатта, мен бу гапларни биринчи марта айтаётганим й^к.- Лекин шуни унутмаслик лозимки, дунёда х.еч ким, *сч* к,ачон, х.еч к.андай даврда хам текинга Узбекистонга ордам бермайди. Чунки манфаатсиз, узининг мак.садига •>ришмасдан, бирор фойда курмасдан ёрдам бериш деган гаплар — буларнинг барчаси пуч гаплардир.

Шунинг учун мана шу крнунларнинг синчиклаб магшга етиб борсак, бизлар 1993 йилда кабул килган к.онунии кеча иккита мустакил к.онунга айлантирдик. Яъни чет эл инвестицияларини алох.ида куриб чикдик. Мана шу инвестициялар га кафолат бериш масаласини му^окама ^илдик ва уни кенгайтирдик. Бошк.ача айтганда, Узбекистонда хорижий сармояларга к,андай имтиёзлар берилаётганини, уларнинг х.ам сиёсий, хам иктисодий, х.ам молиявий кафолатини содда ва аник, тарзда ишлаб чикдик, энди тегишли ташвикрт ишларини жойига куйишимиз зарур. Агар эртага бизга бирор сармоядор келса, унга мана шундай хрлатни курсатиб, сунгра у билан гаплашамиз.

Курук. гаплар керак эмас, ваъдалар керак эмас. Крнун бизлар учун хам к.онун, сизлар учун хам крнун, деб айтамиз.

**Бу ерда яна битта масала бор. Инвестициялар келиши** уз **йули билан, лекин Узбекистоншшг модели, ицтисоди, ицтисод ривожининг роли шундайки, биз уз** ***хял*** **цилувчи бойликларимизни, уз щтисодий потенциалимизни ^еч кимга сотганимиз йуХ-** Баъзи кушни давлатлар тажрибалари бизга тугри келмайди. Бизда ундай нарсалар йук., буни нафакдт сизларга, балки халкимизга карата хисобот тарикасида айтаяпман. 6—7 йил давомида бironта катта корхонамизни ёки ривожимизнинг асоси булмиш бойликларимизни хеч кимга сотганимиз йук.. Агарки бирон-бир хорижий хдмкоримиз сармоя олиб келаётган булса, бу борадаги шартномалар крнунларимиз асосида буляпти.

Мана, мисол учун "ДЭУ" билан автомобиль заводини худди шу асосда курдик. Бухорода улкан нефтни кайта ишлаш корхонасини хам айни шу тарзда барпо этдик. Ишонасизми-йукми, бунга кам одам ишонади, бу лойиХанинг умумий нархи ярим миллиард АКД1 долларидан купрок.. Факат технологик кисми 262 миллион АКДН долларини ташкил этди. Кдйтариб айтаман, бу факдт технологик кисми. Ундан тапщари, бошка куплаб мураккаб иншоотларни куриш керак эди. Сув олиб келиш керак, электр олиб келиш керак, йулларни куриш керак, иморатларни куриш керак ва хоказо. Буларнинг хаммасига, айтиб утганимдек, ярим миллиард АКД1 доллари зарур эди. Биз шу курилиш учун хорижий мамлакатлардан сармоя олиб келаётганда 40 фоизини бевосита узимиз топдик, яъни Узбекистан сармояси сифатида уртага куйдик. Шунинг хисобидан оладиган фойдамизнинг таксимоти куйидагича: 40 фоизи узимизга тушяпти. 60 фоизи хозирча уларга тушяпти. Эртага хамма олган кредитларнинг хисоб-китобини жойига куйсак, фойданинг юз фоизи узимизники булади.

Барпо этилган ва этилаётган бошка йирик корхоналарни хам шу нуктаи назардан куриб чиксак, шунга амин булиш мумкинки, биз х^ч качон уз манфаатимизни ва





одий мустакдллигимизни хавф остида крлдиргани-'HI і пУк.. Биз сиёсатимизни, ривожимиз дастурларини ту-"|| .шда факат бугунги кунни эмас, эртанги кунни уйлаб им куйдик. Сизларга рахмат, шу сиёсатни тугри тушуніn. куллаб-кувватладингиз. Мана шу сиёсатнинг тугри-1ИИИМИ хаётнинг узи тасдиклаяпти. Ва мукдвдас заминимшда \аёт кечираётган хар бир инсон унинг натижасини. ?(,осилини аста-секин куряпти.

Л ІН:І биродарлар!

Муродимизга етмокчи эканмиз, белни махкам боглайіnі (> йил мобайнида эришган ютукларимиз, эртанги куиимюга умид уйготиб, пойдеворимизни янада мустахкампийди. Аминманки, бизнинг урнимизга келадиган авлод |'И1дан кучли булади! Бизнинг хатоларимизни такрорламийди. Уларнинг тажрибаси, дунёкараши мутлак.о бошцача булади. Улар вактини, куч-гайратини бокимандалик, ( онст тузумидан к.олган бошк,а иллатларга к.арши курашга і |рфламайди. Улар факдт олга юради, бошк.алардан кам (фшасликка, узбек миллатини, керак булса, Узбекистоні.і яшаётган хар бир фукаронинг бахтини, ик.болини юк•.пииришга харакат к.илади. Бу баландпарвоз гаплар эмас. **Мен сизларнинг сиймонгазда аіуі-заковатли, мард, тиниб-гинчимас хащимизни куряпман. Уз кадримизга етайлик. Ютукдаримиздан рурурланайлиг-у, лекин бошимиз айланма•ни, оёгамиз ердан узилмасин.**

## ЭЪТИК,ОД ЭРКИНЛИГИ К.ОНУНИЙ АСОСДА Б^ЛСИН

Хурматли халк. ноиблари!

Мана, хозиргина хурматди бир домламизнинг маъру>асини тингладик. Кечирасизлар-у, маъруза менга ёкмади. Лицейларда, олий укув юртлари аудиторияларида укиладиган лекциялардан фарки йук.. Олим, юрист сифатида мен у кишидан бошка нарсани кутган эдим. Яъни, бугун хаммамизни уйлантираётган муаммолар хусусида ваколатли мутахассис фикри керак эди бизга. Афсуски, бундай булмади.

Давлатимиз, Узбекистонда яшаётган хар бир фукаро келажагининг кафолатини Конституция беради. Фукароларнинг хак.-хукуклари, бурчлари Конституцияда белгиланган, тегишли крнунлар билан мустахкамланган. Мак.-садимиз эркин, демократик хукукдй давлат куриш, адолатли жамият барпо этиш. Х,еч бир инсонни камситмаслик, эътикрдини хурмат килиш, эркинлигини таъминлаш.

Модомики максадларимиз аник, экан, инсон хукуклари умумхалк. мухркамасида кабул килинган Конституция химоясида экан, авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига дог тушириладиган хатти-харакатлар каердан пайдо буляпти? Мен Наманганда, Андижонда руй берган кунгилсиз вок.еаларни назарда тутяпман. Нима, хукукий асосларимиз бушми ёки умуман масъулиятни унутиб куйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёсат олиб бораётгандир? Ана, орангизда Наманган вилояти хркими ва туман хркимлари утирибди. Хох. ишонинг, хох. ишонманг, битта вилоятда 1200—1300 та масжид бор. Бу масжидлар атиги 4—5 йил ичида курилган. Мазкур масжидлар крнун доирасида фаолият курсатиши учун кимдир масъул. булиши керакми, йукми? Узи худудларда крнунларимизни химоя киладиганлар борми-йукми?! Намангандаги масжидларнинг 50—60 фоизи руйхатдан утмаганини вилоят хркимлиги ва жамоатчилиги билмайди дейсизми? Билади! Факат уз тинчини уйлаб, разил ниятлар, фитналарга кул силкиб куйган. Масжиддарни руйхатдан утказиш х.акида гапирдим. Диний ташкилот ёки масжид очиладиган булса, албатта узига мажбурият олиши керак. Кайси к.онун буйича фаолият курсатади, фаолият доираси к.аердан бошланади-ю, к.аерда тугайди — буни аник, билиши, масъулиятни тула хис этиши зарур.

Руйхатдан утиш — бу арзимаган расмиятчилик эмас, ахир. Бундай ишлар албатта, пора бериш, амалдорнинг огзини мойлаш х.исобидан булиши хам мумкин. Лекин конун хукм сураетган худудца, туман ва вилоятларда бунга имкон берадиган вазиятни таг-томири билан кирк.иб





і ни керак. Масжидларнинг маблаги бор, лекин акса-
і..... и іолик.туламайди. Хуш, бу пуллар к.аёк.к.а кетяпти?
Ч.окимларнинг, Адлия вазирлигининг жойлардаги ч
пари ходимларининг чунтагига! Прокурор булса мик. і і
ищи. Конунлар ижроси устидан назорат прокурор-тип
тгшфаси эмасми?! Агар туманда к.онун бажарилма-tіі.
прокурор унда нима кдииб утирибди?! Кднча-канча ми
юраг ташкилотлари бор. Узингиз бир тасаввур к.илинг: imp
Гючора тижоратчи ёки савдогарнинг ортидан унтаси
Упкасики култикдаб югуради. Чунки, ишхонасига чак^н-
I mi», у ига зугум килиш, устидан жиноий иш кузгаш, огзи-
•1.11 in-и ни х.ам тортиб олиш осон.

< учимни мухтасар килиб айтмокдиманки, к.онун к.абул •.шипи билан иш битмайди. Аравани курук. олиб крчиб, умумий гаплар билан кутулиб кетаман, деб уйламанглар. hv жуда катга муаммо. Узбекистоннинг келажагига хавф •онаёгган, умуммак.садларимизни, орзу-ниятларимизни ь.фбод к.илиши мумкин булган, авлодларимизни хавф ос гида крлдирадиган катга тахдид бу! Бир матбуот анжумапида "Озодлик" радиостанциясининг мухбири Фуркмгбек Яквалхужаев Наманган вок.еаларининг сабабини < уради. Мана, сиз мухтарам депутатлар хам эшитиб куйингп,ір.

Наманганга четдан таъсир булмаса, уз-узидан шундай гажовузлар юз берармиди? Бу к.онхурлар кимнинг мактаОида укиган, кимдан маблаг олган, ким уларни курол бипан таъминлаган, ота-оналарининг бепарволигидан фойдаланиб, ёш йигитларни ким Тожикистонга ёки Афгонистон ва Покистонга олиб борган? Уларни мухолиф кучларнинг узаро хунрезлик гирдобига улоктирган ким? Гавилдара деган жойда одамларга курол укталиб, узбеклар номини сотиб юрган Жума Намангоний, узини амирлар к.аторига кушган Тохир Йулдошев узи ким?! Бу мутгах.амлар каердан пайдо булди? Уларнинг жиловини нега чактида тортиб куймадик?]

Холисона тан оламиз. Узбекистан худудида баъзи бир ечилмаган ижтимоий масалалар, дейлик, ишсизлик борлир, одамларнинг >^аёти хали биз орзу килган даражада

эмасдир. Ёшлар муаммоларини ечишда бепарволикка йул куйгандирмиз. Урта ва олий укув тизимидаги, маънавият ва маърифат сохасидаги масъул кишиларнинг локайдлиги уз йулига, бу узимизнинг айбимиз. Лекин яна такрорлайман: четдан таъсир булмаса, болаларимиз алданиб Покистонга бормасди, мукаддас динимизга ёт булган окимларга ружу куйиб, кулларига курол олишмасди. Жангариларга айланиб, Ватанига, ватандошига кул кутармас, купорувчилик билан шугулланмас эди.

Наманган, Андижонда кулга тушган жиноятчилар устидан эрта-индин очик, суд булади. Керак булса, суд жараёнини телевидение оркдяи курсатамиз. Ана ушанда бу нонкурларнинг максади нима булганини уз кулокларинг билан эшитасизлар.

Уларнинг биринчи режаси маъмурий, хукук. химоясида турган ташкилотлар: милиция, прокуратура ва шунга ухшаган хркимият ходимларини улдириш билан одамларни куркитиш булган. Ундан кейин бизнинг ишлаб чикариш сохасидаги, хаёт-мамотимизни хал киладиган иншоотларни портлатиш, нон, сут етказиб берадиган, одамларни иш билан банд киладиган корхоналарни, иморатларни портлатиш...

Тушуняпсизларми, кандай катта хавф остида крлишимиз мумкин? Битта муттахам, битта иймонини сотган ёвуз ниятли одам кднча-к.анча зарар, зиён етказиши мумкин.

Боз устига, бу ишлар дин никрби остида, мен кимман, мен ваэдобийман, мен хакикий мусулмонман, деган кибрли акида билан килинади. Ким х.ак.икий мусулмон, ким сохта мусулмон эканини ёлгиз Аллох. таоло билади. Охиратда, сурок.-савол пайтида хаммамизга Яратганнинг узи бах.осини беради. Бу дунёда бировни чала мусулмон, узини х.акик!1й мусулмон дейишга хеч бир банданинг х.ак.ки й^к.. Буни Исломдан хабардор одамлар, диний идораларнинг рах.барлари жуда яхши билади. Ана шу одамлар айтсин.

Яна бир бор айтаман: ким х.акикий мусулмон, ким чала мусулмон, ким кофир булганини Аллох таологина билади, Ким, адхамдулиллох., мусулмонман деса ва мукаддас





К,у|>ьони каримда, х,адисларда курсатилган талабларни ВйЖО этса, бизнинг динимиз буйича Худога итоат кдлган, ни і ижо килган булади ва у узини мусулмон дейишга хаклицир

1>оя айтганимиз кунгилсиз вок.еалар к.андай окибатларга нимб келиши мумкин? Аввало, улар майда ишлардан, беп.|рноликдан бошланишини унутмаслик лозим. Жамиятпниг узи бунга к.арши каттик. оёкда турмаса, узини, уз (|)арзандларини химоя к.илмаса, эртага Тожикистондаги шпият бизнинг х.ам бошимизга тушиши мумкин. Тожикисгонда, Шахидон майдонида булган вок.еалар 1992 йил май ойида бошланган эди. Бунинг тарихига 6 йил буляп-1и, \амон Тожикистонда тинчлик, барк.арорлик йук.: х.еч к,аидай курилиш, бунёдкорлик йук.. Одамлар нима билан (>анд — узингиз хабардорсиз.

Таракдиётни ун йиллар оркага суриб юборган Шахи-.||.он вок.еалари аслида Наманганда бошланиши керак эди. Ьуми ким билади? 1991 йил 8 декабрда мен Наманганга Гюриб аклини йук.отган, узига "Оллох. лашкарлари" деб ном куйиб олганлар билан, уша Йулдошев Тохир билан юзма-юз булганман. Унинг к^лидан микрофонни олиб гапирганимни ким эслайди? Ушанда мендан улар ислом давлатини, ислом республикасини х.озир эълон к.иласиз, деб талаб кдлишган. Сок,оли тиззасига тушадиган кимсалар одамларнинг бошини айлантириб, шу масалаларни кутарганлари х.али хам эсимда, овозлари х.али х.ам куло-і имда турибди.

Улар "ислом лашкарлари" ва бошкд ташкилотларни гузиб, одамларга тажовуз к.илиб, милициянинг урнини олиб, хукмдор булмокчи эдилар. "Кук.он хонлигини ташкил киламиз", деган максадда юрганлар. Буни ким билади? Буни аввало сиз депутатлар билишингиз зарур. Нега деганда, сиз халк. ноиблари — халк. вакилларисиз. Халкдни ким химоя к^шади, халк.к.а ким йул курсатади?

Бунд аи хавфни хар бир одам сезиб, онгидан утказиши керак. Биз бугун нима учун мана шу Виждон эркинлиги тугрисидаги к.онунни к,айта куриб чикяпмиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур крнун 1991 йилда, яъни Конституция-

миздан бир ярим йил оддин кабул килинган эди. Хозир янги Конституцияни кабул кдлдик, куп крнунларни ишлаб чикдик. Энди хдётимиз учун, келажагимиз учун, фарзандларимизнинг СОРЛОМ эътикрди учун ахдмиятли булган, демократиянинг энг мухим шарти булмиш виждон эркинлиги масаласини кайтадан куриб чикяпмиз.

Олимларимиз, таълим-тарбия даргохларининг тарбиячилари, укитувчилари Узбекистонга булган хавф ва тах.-дидларни турри тахдил килиб, болаларимиз такдири учун биринчи навбатда ёниб харакат килиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан химоя килишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, домлалар томошабин булиб утирмаслиги лозим. Фарзанддаримизни ким турри йулга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга хак. гапларни гапириб, хдётда уз эътикрдига суяниб яшашни ургатади, тарбиялайди? Ёшларнинг турри йул танлашида ким биринчи булиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч булиши лозим?

Афсуски, бундай ишлар хрзирча йук. даражада! Нима учун бу масалада локайдликка, бепарволикка йул куйиляпти? Одилона, окилона йул тутиш урнига баъзи хркимлар узи масжид курилишида х.омий булиб, биринчи РИШТни куйиб юрибди. Ахир сен хркимсан, олдин мактаб кур, одамларнинг СОРЛИРИНИ саклаш, энг долзарб эх.тиёжларини крндириш борасида сен жонкуяр булишинг керак эмасми? Булмаса, хркимликни зиммага олиб нима киласан? Масжидга бориб, имом бул — агар эътикрдинг ёки билиминг турри келса. У ерда маошинг купрок,, масъулиятинг, жавобгарлигинг эса камрок. булади.

Хоким деганда биз мутлак.о бошкдча, мана шу туман, мана шу вилоятнинг химоячиси, керак булса такдирини, х.аёт-мамотини х.ал киладиган фидойи одамни тушунамиз. Вилоят ёки туманда нима вокеа руй берса, виждонли хрким аввало узи жавоб бериши керак. Шунинг учун бу масалани кураётганда х.аммамиз, аввало шу ерда утирганлар уз масъулиятимизни чукур англаб, хис этиб, юртимизга жанубдан келаётган хавфнинг олдини олиш, болаларимизни ёт таъсирлардан саклаб крлиш т5трисида уилашимиз





керак. Зеро, мен вахдобийман деган ёш бола хам узбек ооласи, бизнинг миллатимизнинг боласи, халк,имизнинг (>оласидир. Уни турри йулга солиш барчамизнинг бурчимиздир.

